

“ЗИЁРАТ”, “ЗИЁРАТГОҲЛАР” ВА “ҚАДАМЖОЛАР” ТЎҒРИСИДАГИ  
ҚАРАШЛАР

**Феруза Хайитова**

*Низомий номидаги ТДПУ доцент в.б.*

Қашқадарё воҳаси ўзининг кўп асрлик тарихида муқаддас зиёратгоҳлар билан боғлиқ ранг-баранг маросимлар тизимини яратибгина қолмай унинг ижрочисига ҳам айланган. Гарчи муқаддас зиёратгоҳлардаги маросимларнинг баъзилари жамиятдаги ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маданий ўзгаришлар, айниқса илмий-техника инқилоби таъсирида аста-секин йўқолиб, айримлари ўзгаришларга учраган бўлса-да, уларнинг барчаси қандай ғоявий йўналишда бўлганлигидан қатъий назар ҳалқнинг турмуш тарзи, хўжалик фаолиятида ўтмишда ва ҳозирги кунда қўлланилиб келинаётганлиги билан катта тарихий ҳамда илмий аҳамиятга эга. Шу боис, биз воҳа зиёратгоҳлардаги маросимларни кенгроқ ўрганиш, улар ҳақида маълумот тўплаш, илмий асосда тадқиқ этиш лозим деб топдик. Зиёратгоҳларда ўтказиладиган маросимларни ёритиш орқали ўзбек халқи маънавияти ва маданиятида урф-одат, маросимларнинг ўрни зиёратгоҳлар билан боғлиқлигини тўғри баҳолай олиш имконини беради.

Марказий Осиё халқларида зиёратгоҳлар билан боғлиқ тасаввурлар қадимий даврлардаёқ шакллана бошлаган. Айниқса, Қашқадарё воҳасининг *олов билан боғлиқ зиёратгоҳлардаги қарашларига* бевосита тўхталадиган бўлсак, аҳолининг олов билан боғлиқ қарашлар, удумлар ва кўникмалар шаклланган ва бу оловни муқаддас эканлигига ишонишганлигидан далолат беради. Жумладан, маҳаллий аҳоли орасида зиёратгоҳларга бориб бажариладиган урф-одатлардан бири олов билан боғлиқ бўлиб, эрамиздан аввалги биринчи минг йилликда Марказий Осиё халқлари орасида оташпарастлик кенг ёйилганлигидан далолат беради.

Бундай анъаналар ҳозирги кунгача аҳоли орасида зиёратгоҳларга бориб чироқ ёқиш ёки пилик эшиб чироқ атаб қўйиш ҳолатларини давом этаётганлигини кузатиш мумкин<sup>1</sup>.

*Муқаддас жониворлар ва ҳайвонлар.* Навтакликларнинг топиниш рамзлари маъдан ва тошлардан ясалган, масалан, меҳроб тоқчасининг тош терилган қимидан олтин типратикан, шунингдек, митти санам ҳайкалчаси ва бақа (ҳақиқдан қилинган) рамзлари топилган. Оташпарастлик ақидаларида типратикан муқаддас мавжудот ҳисобланган. Шу боис Навтак осори атиқалари орасида олтин типратикан билан бир жойда бақа, илон каби “Авесто”да ёмонлик оламига мансуб деб ҳисобланган жониворлар рамзларнинг бўлиши Навтак аҳолиси дунёқараши ва диний тушунчаларини ўзига хос хусусиятларини ифода этганлигини кўриш мумкин. Навтака ибодатхона биноларининг жуфт қилиб қурилганлиги юнон анъаналари таъсири билан ҳам боғлаш мумкин. Юнонлар, маълумки, Афина ва Геракл ибодатхоналарини жуфт

<sup>1</sup> Дала ёзувлари. Қашқадарё вилояти. Яккабоғ тумани. 2017 йил.

килиб курганлар. Меъморий жихатдан Навтакадаги ибодатхона айнан шу йўналишнинг давомими ёки шаҳар кенгайиши натижасида каттароқ оташкадага эҳтиёж сезилганми, бу борада аниқ бир нарса дейиш қийин. Ҳарҳолда, Сўғдада ибодатхоналарни жуфт қуриш анъанаси (Навтак ва Панжикентдаги каби) мавжуд бўлган<sup>2</sup>. Демак, қадимги ибодатхоналарнинг мана шунақа қурилиш усули ва ундаги мавжуд оташкадалар воҳа аҳолисининг эътиқоди ва топиши хусусиятлари қадимийлигини кўрсатади.

Шунингдек, Валерие Хансен (Valerie Hansen) маълумотларига кўра, Буюк ипак йўли маданиятига катта ҳисса қўшган халқлардан бири сўғдийлар ҳисобланган. Улар ҳозирги Ўзбекистоннинг Самарқанд шаҳри ва унинг атрофларида истиқомат қилишган. Хитой ва Суғдиёна ўртасидаги савдо алоқалари милoddан аввалги 800-500 йиллар ўртасида юқори чўққига кўтарилган. Суғдийлар ва уларнинг эътиқодлари тўғрисидаги маълумотлар уларникига қараганда Хитойда кўпроқ сақланиб қолган<sup>3</sup>.

Жангалтепа асори атиқалари орасида ҳайвон шакли берилган (масалан, қўй) чирокдонлар (олов билан боғлиқ идишлар) сира учрамайди. Холбуки, На втак ва унинг теvarак атрофидаги қадимият ёдгорликларидан қўй шакли дастали чирокдонлари ҳам топилган. Жангалтепада жониворлар шакли берилган хурмалар (сув ва сут идишлари) мавжуд. Идишларда уй ҳайвонлар шаклининг ифода элиши Қанғ маданияти, кўчма ҳаётдан ўтrock турмушга ўтган халқ маданиятига тегишли эканлиги исботланган<sup>4</sup>.

*Илон хосияти.* Ахборотчиларнинг берган маълумотларига кўра, илонлар муқаддас жонзот ҳисобланади<sup>5</sup>. Воҳа аҳолиси илонлар муқаддас мозорларга ёмон ниятда борган одамларга ташланишади деб ҳисобланган. Шу билан бирга оқ илон авлиёга тегишли бўлиб, келган жойига давлат олиб келади деб ишонилган<sup>6</sup>. Уни ўлдириш гуноҳ ҳисобланган. Касби тумани Қамаша қишлоғидаги нуронийларнинг фикрига кўра, аждолари Ҳайитбой бобо тожли илон билан суҳбатлашган. Бу илон Кўҳна Фазли ғорида яшар экан.

*Зиёратгоҳлардаги муқаддас буюмлар билан боғлиқ қараишлар.* Кузатишлар ва ахборотчиларнинг берган маълумотларига кўра зиёратгоҳ ва қадамжолардаги ҳар бир буюм сакрал кучга эга деб ҳисобланган. Муқаддас зиёратгоҳ ва қадамжолардаги муқаддас буюмлар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин:

1. Оқ мато;
2. Ҳайвон шохи;
3. Мозор, масжид ва мақбараларнинг эшик ва занжирлари;
4. Аждодлар шажараси, китоблар ва бошқа ҳужжатлар;
5. Туғлар, дарахтлар, тарихий даврлардан сақланиб қолинган белги, суратлар ҳам бўлиши мумкин.

<sup>2</sup> Равшанов П. Қашқадарё тарихи... – Б.154-155.

<sup>3</sup> Valerie Hansen. The silk road a new history. Published in the United States of America by Oxford University Press 198 Madison Avenue, New York, NY 10016. 2012. – P.17.

<sup>4</sup> Равшанов П. Қашқадарё тарихи. Т. "Фан" нашриёти. 1995 й. Б.154-155.; Кабанов С.К. Культура сельских поселений... С.115.; Литвинский Б.А. Кангюйского сарматский фари. Душанбе. 1968. С.23.

<sup>5</sup> Дала ёзувлари. Қашқадарё вилояти, яккабоғ тумани. 2018 йил.

<sup>6</sup> Дала ёзувлари. Қашқадарё вилояти. Касби тумани. 2018 йил.

*Оқ мато* бўз ёки оқ чит матоси ҳисобланиб, Қашқадарё воҳаси зиёратгоҳларига га хос хусусиятлардан бири ҳам авлиёлар ва ислом дини йўлида шахид кетган шахсларнинг қабри ёнида устунга оқ мато боғлаб қўйилганлигига ишорадир. Жумладан, Нишон туманидаги Назар бобо, Касби туманидаги Қўшчалиш ота каби зиёратгоҳларда оқ мато ўралган устунлар ўрнатилганлиги фикримиз далилидир. Аҳоли орасида бу ерга билиб-билмай ахлат ташлаши ёки тунаб қолиши касалланишига олиб келади деб ҳисобланган. Маҳаллий чўпонлар ва ахборотчиларнинг фикрига кўра, бетоб бўлган одам бу ерга келиб Қуръон тиловат қилиб, тавба-тазарру қилиши ва жонлиқ сўйиши орқали тузалиб кетган<sup>7</sup>.

*Ҳайвон шохи.* Зиёратгоҳларга муқаддас шохларни осиб қўйилиш ҳолатларини кузатдик. Маҳаллий аҳоли буни ислом билан боғлиқ эмас деб изоҳлади. Дарҳақиқат мазорларга муқаддас шохларнинг осиб қўйилиши тотемистик қарашлар билан боғлиқ. Бунга кўра, ҳайвон шохи инсонларни ҳимоя қилиш воситаси сифатида тушунилган. Айнан ҳозирги кунда бундай шохлар осилган бўлмаса-да, уларни ҳамон учратиш мумкин.

*Мозор, масжид ва мақбараларнинг эшик ва занжирлари.* Қашқадарё воҳаси аҳолиси орасида зиёратгоҳ ва қадамжолар тўғрисидаги ривоятларда ҳам муқаддас жойларнинг эшик ва занжирлари тўғрисида маълумотлар учрайди. Масалан Занжирсарой қиссаси, Ҳазрат Алининг Кўҳна Фазлига келиши каби ривоятларда ўз ифодасини топганлигини кўриш мумкин<sup>8</sup>.

Занжирсарой қиссаси Амир Темурнинг 10 ёшгача у ерда улғайганлиги ва саройдаги занжирларга алоҳида тўхталиб ўтилади. Яна бир ривоятга кўра Ҳазрат Али Кўҳна Фазли шаҳрига келиб маҳаллий аҳолини ислом динига киритишга уринган. Қаршиликка учраганидан сўнг Кўҳна Фазли эшигини ирғитганда, эшик Самарқанднинг йўлига бориб тушган экан. Маълум бўлишича Ҳазрат Али Ўрта Осиёга келмаган, бироқ изланишларимиз натижасида Кўҳна Фазли (яъни Базда) шаҳрида Али Баздавий туғилганлиги аниқланди. Бугунги кунда ҳам айрим масжид ва мақбараларнинг эскирган эшиклари муқаддас ҳисобланиб алоҳида жойда эъзозланиб сақланади.

Кузатувлар натижасида аён бўлдики, Кўҳна Фазли, Исҳоқ бобо каби зиёратгоҳлардаги эшик ва занжирлар зиёрат объектларидан бири ҳисобланиб, зиёратчилар уларни кўзларига суришган. Аҳоли орасида ёш қизларнинг зиёратгоҳ эшикларини артиши ва зиёратгоҳнинг озодалигига ҳисса қўшиши унинг бахти очилишига ёрдам беради деб ҳисоблашган<sup>9</sup>. Айрим зиёратгоҳларнинг эшиги паст қилиб қурилган. Бунга сабаб, аҳолининг зиёратгоҳга бўлган ҳурматни сақлаб қолиш, эгилиб кириш учун унинг эшиги паст қилиб қурилар экан<sup>10</sup>.

<sup>7</sup> Дала ёзувлари. Қашқадарё вилояти, Нишон тумани. 2020 йил.

<sup>9</sup> Дала ёзувлари. Касби тумани. Кўҳна Фазли, Исҳоқ бобо зиёратгоҳларидаги зиёратчилар билан суҳбатдан олинди. 2018 йил.

<sup>10</sup> Дала ёзувлари. Касби тумани. 2016 йил.

*Аждодлар шажараси, китоблар ва бошқа хужжатлар.* Маҳаллий аҳоли орасида 7 та аждоди исмини билиш фарз ҳисобланган. Бу ҳолат зиёратгоҳларда ҳам ўз ифодасини топган. Касби тумани Қамашни қишлоғидаги Мулла Рўзибой Охун хужрасида авлоддан авлодга китоблар тўплами ва аждодлар шажараси сақланади. Ахборотчиларимиз берган маълумотларга кўра, Қамашни туманидаги Лангар ота мазоридида 63 та авлиё дафн қилинган. Воҳада бир авлодга мансуб шахсларни бир ерга дафн қилиш удуми ҳозиргача сақланиб қолинган<sup>11</sup>. Айрим шажараларнинг қўлдан қўлга ўтиб бир неча асрлар давомида тузилганлигини гувоҳи бўлдик. Маҳаллий аҳоли ўз аждодлари билан фахрланади.

Зиёратгоҳлардаги айрим китоблар илмга интиланган фақат шу авлодга тегишли шахсларгагина берилган. Бу китобларнинг бошқа шахсларнинг қўлига тушиши аждодлар билан авлодлар ўртасидаги алоқани узади деб ҳисобланган.

*Туғлар, дарахтлар, тарихий даврлардан сақланиб қолинган белги, суратларга ҳам баъзида аҳоли ўз қарашларига кўра эътиқод қилиб, уларга сиғиниб ва ҳатто топинишган ҳам.* Гўёки бу нарсалар уларни дарддан, мушкулидан ва бало-қазолардан халос қилади деган ниятда<sup>12</sup>.

Албатта, муқаддас жойларни зиёрат қилиш кишилар руҳиятига катта таъсир кўрсатган. Шунингдек, кишиларнинг хулқ маданиятини юксак савияда бўлишида муқаддас зиёратгоҳлар ва уларни зиёрат қилиш этикети яъни одоб ахлоқ-одоб меъёрлари бўлиб хизмат қилган. Бинобарин, "Оч қолсанг бозорга, тўқ бўлсанг мазорга бор", деган халқнинг қадимги мақолида кишиларни турмушнинг оғир енгилига қандай тарзда муносабатда бўлишига чорлаб келганлар. Қолаверса, муқаддас зиёратгоҳлар кишилардаги олийжаноблик туйғуларини шакллантиришда муҳим рол ўйнаган. Муқаддас жойларни зиёрат қилиш одамларни у нотўғри йўллардан узок юришга, инсофли-диёнатли бўлишга, ўзидан фақат яхшилик қолдириш сингари хайрли ишларга чорлаган. Муқаддас зиёратгоҳлар кишилардаги садоқат, вафодорлик туйғуларни шаклланишида ҳам ижобий роль ўйнайди. Масалан, Фарғона водийси аҳолиси Тошкелин, Биби Убайда, Қиз мазор, Чилдухтарон сингари мазорларини зиёрат қилишда, авлиё аёлларнинг ўз эрига содиқлиги ва севган ёрига вафодорлик хислатларини эшитиб, улардан ўрнак олишга интиланганлар<sup>13</sup>.

Шуни таъкидлаш жоизки, ҳар бир зиёратчи қабрда ётган авлиё ёки бошқа зотлардан мадад сўраб, ундан ҳожатини раво қилинишини талаб қилмайди. Ҳар қандай ҳожатларни раво этишни бевосита фақат Парвардигорнинг ўзидан сўралади. Шунинг учун ҳам агар имкони бўлса қабристоннинг қибла томонига ўтиб, орқани қиблага қилиб қабр аҳлига юзма-юз туриб тиловат ва дуо қилиш лозим бўлган. Салафийлар бевосита дин номидан иш кўриб, динни тозалаш гўё Пайғамбар давридаги асл ҳолатига қайтариш, барча арабларни ва дунё аҳлини яхши яшил байроқ остида бирлаштириш каби ғояларни илгари сурган. Улар дунёвий маданиятга қаттиқ қарши

<sup>11</sup> Дала ёзувлари. Қамашни тумани, Лангар қишлоғи. 2017 йил.

<sup>12</sup> Дала ёзувлари. Қашқадарё вилояти. Қарши шаҳри. 2018 йил.

<sup>13</sup> Абдулаҳатов Н.У. Фарғона водийси аҳолиси турмуш тарзида зиёратнинг ўрни...

чикқан, яъни мусика, театр ва бадий санъат билан шуғулланиш, бадий завқ-шавқ олиш кечирилмайдиган гуноҳ, деб ҳисоблашган. Салафийлар бундай ҳолатларга қатъий қарши кураш олиб бориб, уларни бартараф қилиш учун диндан қурол сифатида фойдаланишган<sup>14</sup>.

Зиёратгоҳлардаги маҳаллий қорилар, у ерга келиб тавоф қилиш, жонлиқ сўйиш, мушкулкушод ўтказиш, дарахтга ип боғлаш, тошларни чайқаб ичиш, тупроқларидан кўзга суртиш мумкин бўлмаса-да, аҳоли орасида бу одатга айланиб қолган. Ҳар бир жойнинг ўзига хос хислатлари ва хосияти шу ерда ўтирган маҳаллий қори, имомлар ва маҳаллий аҳолига маълумдир<sup>15</sup>. Бироқ, ҳозирги кунд олиб борилаётган ислоҳатлар туфайли, ўзига хос зиёрат одоби шаклланиб борапти. Бу таҳлиллардан кўриниб турибдики, зиёратгоҳларга бориш, у ерни қадрлаш, маййитлар ҳақида дуо-фотиҳа қилиш халқ орасида савоб саналади. Жумладан, ҳадисларда «Қабристонларни зиёрат қилиб турунлар, зеро у охиратни эслатади. Охиратни эслаш эса кишиларни ёвузликдан узоқлаштириб, эзгуликка яқинлаштиради деб таъкидланган<sup>16</sup>. Бу кишиларнинг Аллоҳдан қўрқишга ва ножўя ишлар қилмасликка имкон яратади ва айниқса, кибрланиб, ҳаволаниб кетишига йўл қўймайди. Шу боис халқ орасида зиёратгоҳга чин ихлос билан борилса, ҳар бир киши ниятига етади деб тушунилса, Аллоҳ йўлига эҳсон қилиш келадиган турли бало қазо даф қилади<sup>17</sup>. Кишилар зиёратгоҳларга бориб, қушдай енгил бўладилар. Шу ерда ётган алломаю авлиёларнинг руҳидан мадад оладилар, улар билан фахрланадилар. Қабрларга шам ёқиш, қабр тошларини ўпиш, унинг устида ўтириш босиб юриш, қабр рўпарасида намоз ўқиш солиҳ амаллардан эмас. Маҳаллий аҳоли бу қоидаларга амал қилмаса тез орада зиён топишига ишонганлар. Воҳа аҳолиси орасида «авлиёлар худо эмас, худодан жудо эмас» деган ажойиб нақл бўлиб, шу нақлнинг ўзи кишиларни авлиёларга нисбатан муносабатлари қадимдан юксак даражада бўлганлигини ифодалайди. Уларнинг мазорлари ва қадамжоларини зиёрат қилиш эса турли офатлардан балолардан сақлаб ва мушкулларини осон қилишига ишонадилар. Шу ўринда бир мисолни келтириб ўтсак, Ривоятларга кўра, араблар ўлкани забт этишидан аввал Қуйи Қашқадарё воҳаси аҳолиси сел ва сув тошқин вақтида зиёратгоҳлар ёнидаги тепаликларда жон сақлашган<sup>18</sup>.

Кўпчилик афсона ва ривоятларга фақат уйдирмалардан иборат деб қаралади, лекин биз воҳада ўтказган дала тадқиқотлари давомида гувоҳи бўлдикки, баъзи афсоналар замирида ҳақиқат мавжуд. Воҳада мавжуд зиёратгоҳларнинг аксариятида азиз авлиёларнинг мазорлари мавжуд. Бу ўринда, «Ҳазрати Султон тарихи ва Ҳазрати Башир маноқиб» китобида азиз-авлиёлар тўғрисида қуйидагича таъриф берилади: «Каромати авлиё ҳақдур, кишиларким Аллоҳ учун кечаю-кундуз ибодат қиладилар, ҳалол еб, ҳалол ичадилар, ҳалол киядилар, ва одатларига вафо қиладилар, беваю

<sup>14</sup> Закурлаев А. Гоялар кураши. -Т.: Мовароуннаҳр, 2000. 63 б.

<sup>15</sup> Дала ёзувлари. Қашқадарё вилояти. Яккабоғ тумани, Ўрта кишлоғи. 2011 йил.

<sup>16</sup> Ислом. Энциклопедия. Хусниддинов З. Таҳрири остида. –Тошкент, 2004. – Б.93.

<sup>17</sup> Дала ёзувлари. Қашқадарё вилояти. Шаҳрисабз, Яккабоғ туманлари. 2016 йил.

<sup>18</sup> Дала ёзувлари. Қашқадарё вилояти Касби тумани Миришкор кишлоғи, 2012 йил.



бечораларга ёрдам қиладилар. Одамларни тўғрилиқка чақирадилар. Қўллари дунё ишида бўлса, диллари Аллоҳда бўлади. Бундай зотларга Аллоҳ Субҳонаху ва таоло валояти туфайли булар ўзларидан неча-неча чақирим узокдаги инсонларни аҳволини биладилар ва уларга ўз ўринларида турган ҳолатларида ёрдам беришга ҳаракат қиладилар. Инсонларнинг оғир ишларига ёрдам қиладилар. Фарқ бўлишдан, оловда куйишдан, бевақт ўлимдан сақлашга ҳаракат қиладилар. Аллоҳ субҳонаху ва таолонинг иродаси билан ёрдам қилурлар. Мана шундай зоти шарифларни авлиёуллоҳ (авлиёлар) дерлар. Булар қиёмат кунда ҳам одамлардан кўра Аллоҳнинг наздида ҳурматли бўладилар. Аллоҳнинг ҳукми билан инсонларга ҳам ёрдам қиладилар»<sup>19</sup>.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида *зиёрат* – муқаддас ҳисобланган жойга бориб сиғиниш, элга танилган арбоб ёки ўзига яқин кишининг қабрини бориб кўриш, эслаш, ҳурмат ёки расмият юзасидан бирор шахсни бориб кўриш, *зиёратгоҳ* эса *зиёрат қилинадиган муқаддас ер, қадамжо деб таърифланади*»<sup>20</sup>.

Муқаддас қадамжоларнинг маънавий маданиятимиз ривождаги ҳиссаси катта бўлиб, буни биз ушбу жойлар билан алоқадор ислом алломаларининг диний тарбияни тарғиб этишдаги фаолиятида, халқ эътиқодларининг давом этишида ва хўжалар, эшонлар, шайхларнинг *зиёратгоҳлар* соҳасида олиб борган ишларида кўришимиз мумкин. Ислом ақидаларига кўра *зиёратгоҳларни* бориб тавоф қилиш, ниҳоятда савоб иш ҳисобланиб, у ерга *зиёрат* учун борган ҳар бир киши ўз ниятларини фақатгина Оллоҳдан сўраши жоиз. *Зиёратгоҳларни* кадрлаш, майитлар ҳаққига дуои-фотиҳа эса қилиш амалларидан ҳисобланади. *Зиёратга* чин ихлос билан борилса, ниятлари ижобат бўлади дейишади. Аллоҳ йўлига эҳсон қилинса, турли бало қазолар олди олинади ёки даф этилади.

*Зиёрат* одатига кўра *зиёратчилар* доимо муқаддас даргоҳларга ўзгача тавозе билан муносабатда бўлишган. *Зиёрат* жараёнида маҳаллий аҳоли ўзларини қийнаган саволларга жавоб топишга ҳаракат қилишган ва маълум бир вақт дунё ғам ташвишларидан озод бўлиб, рухий енгилликни сезганлар. Маҳаллий аҳолининг *зиёратгоҳ* ва қадамжойларга муносабати шунчалик баланд бўлганки, *зиёратгоҳлар*, мозорлар, қадамжолар олдидан ўтаётган ҳар бир инсон бирор бир транспортда бўлсалар ундан тушган ва ўша *зиёратгоҳни* *зиёрат* қилиб, сўнгра йўлида давом этганлар. Маҳаллий аҳоли оммавий равишда *зиёратгоҳларга* баҳор ва ёз кунларида борадилар. Қолаверса, Ўзбекистоннинг жанубий минтақаларида ҳафтанинг маълум бир кунлари *зиёрат* қилинадиган кунлар тариқасида белгилаб олинган бўлиб, асосан чоршанба, жума ва якшанба кунлари *зиёрат* кунлари ҳисобланади. Чунки бундай кунлар аҳоли орасида “муродбахш кунлар” деб қаралади<sup>21</sup>. *Зиёратгоҳларда* бажариладиган кўплаб расм-русумларнинг таҳлили шундан далолат берадики, бажариладиган удумларнинг айримлари келиб чиқиши исломгача бўлган эътиқод ва қарашлар билан боғлиқдир. Жумладан, мақбара ва қабрни айланишда ушбу ердаги

<sup>19</sup> Чориев А. Ҳазрати Султон тарихи ва Ҳазрати Башир манокіби. –Т.: «Шарқ», 1996. – Б. 247-248.

<sup>20</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Москва, 1981. –1 том. – Б.305.

<sup>21</sup> Дала тадқиқотлари. Қашқадарё вилояти. Китоб тумани. 2012 й.

азиз-авлиёлар билан ғайритабий алоқа, мулоқатга интилишни, турли латталар боғлашда эса нафақат назр-ниёз қилишни балки, зиёратчи билан эътиқод объекти ўртасидаги афсунгарлик алоқасини, қурбонлик қилишда исломий ва исломгача бўлган эътиқодларнинг уйғунлашувини кўришимиз мумкин.

Ўзбек халқи турмуш тарзида зиёрат сўзининг замирида умид қилиш, енгил тортиш, дардлардан халос бўлиш, савоб ишларга қўл уриш тушунчаси ётади. "Зиёратингиз қабул бўлсин", - деган иборада эса кишиларнинг ҳаётдаги орзу-умидларини руёбга чиқиши ҳамда истаклари ифодаланган. Ҳар бир муқаддас жой кишилар тасаввурида илоҳий кучга эга деб қаралиб, улар шу ерда ётган алломаю авлиёларнинг руҳидан мадад олиб улар билан фахрланадилар. Қабрларга шам ёқиш, қабр тошларини ўпиш, унинг устида ўтириш, қадам босиб юриш, қабр рўпарасида намоз ўқиш солиҳ амаллар сарасига киритилмаган. Маҳаллий аҳоли бу қоидаларга амал қилмаса тез орада зиён топишига ишонганлар. Маҳаллий халқ орасида «Авлиёлар худо эмас, аммо худодан жудо эмас» деган ажойиб нақл бор. Шу нақлнинг ўзи кишиларни авлиёларга нисбатан муносабатлари қадимдан юксак даражада бўлганлигини кўрсатади. Уларнинг мазорлари ва қадамжоларини зиёрат қилиш эса турли офатлардан балолардан сақлаб, мушкулларни осон қилишига ишонганлар. Шу ўринда бир мисолни келтириб ўтсак. Айтилишича, араблар ўлкани забт этишидан аввал Қуйи Қашқадарё воҳаси аҳолиси сел ва сув тошқин вақтида зиёратгоҳлар ёнидаги тепаликларда жон сақлашганлар<sup>22</sup>.

Ислом динига кўра, улуғ зотларнинг қабрларини зиёрат қилиб, уларнинг руҳларини дуои хайрлар билан хотирлаш савобли ишлардан ҳисобланади, Лекин, марҳум азиз-авлиёлар қабрига сиғиниш, улардан мадад сўраш, фарзанд, шифо тилаш катъиян ман этилади. Мазорда ҳожат сўралганда фақат Оллоҳнинг ўзидан сўраш лозим<sup>23</sup>. Ислом таълимоти юртимиз ҳудудига тарқалгач, унинг маҳаллий халқлар анъана ва урф-одатлари билан ўзига хос қоришиш жараёни бўлиб ўтди. Ушбу жараён натижасида ислом таълимотининг маҳаллий халқлар маданияти билан йўғрилган ўзига хос шакли юзага келди. Айнан мана шундай шароитда маҳаллий уламолар Мовароуннаҳр хусусан, Ўзбекистон ҳудудида диний тарафкашликнинг олдини олиш, ғоявий бўлинишларнинг илмий асоссиз эканлигини тушунтиришга алоҳида эътибор қаратдилар. Бунинг натижасида ислом дунёси, инсоният эътирофи этган, дунё илми хазинасига дурдоналар бўлиб қўшилган бебаҳо асарларни яратган Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Мусо Хоразмий, Абу Мансур Мотуридий, Имом Бухорий, Имом Термизий, Абу Лайс Самарқандий, Маҳмуд Замахшарий, Бурҳониддин Марғиноний, Абу Муъин Насафий, Қафқол Шоший, Ҳаким Термизий, Баҳовуддин Нақшбанд, Ҳайсам Кулайб Шоший каби юзлаб буюк алломалар сулоласи юзага келди.

Ўзбекистонда муқаддас қадамжой ва зиёратгоҳлар росмана миллий-маънавий кадрят сифатида янгидан ҳаёт бошлаш жараёни ўтган асрнинг 90-йилларига, яъни

<sup>22</sup> Дала ёзувлари. Қашқадарё вилояти. Касби тумани, Миришкор қишлоғи. 2012 йил.

<sup>23</sup> Ислом. Энциклопедия: А-Ҳ/З.Хусниддинов таҳрири остида. – Т, 2003. – Б.161-162.

миллий истиқлолга эришилган даврга бориб тақалади. Ўлкамизнинг деярли барча зиёратгоҳларида мазкур даврдан бошлаб қайта тикланиш, таъмир этиш ва қайта қуриш ишлари ташкил қилинган дала тадқиқотлари натижасида ўрганилди. Шунингдек, мустақилликнинг биринчи кунлариданоқ Виждон эркинлиги масаласининг давлат билан диний ташкилотлар ўртасидаги муносабати масаласида мустаҳкам ҳуқуқий негиз яратилди. Бу ҳуқуқий негиз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонундир<sup>24</sup>. Жумладан, Ўзбекистонда яшовчи 140 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари эътиқод қиладиган 17 та диний конфессиянинг эркин фаолиятига рухсат этилди. Улар орасида турли динлар, ислом, христианлик ва унинг кўплаб йўналишлари, яҳудийлик, буддавийлик вакиллари ўз диний ибодатлари, урф-одатларини амалга оширмақдалар. Мовароуннаҳр худудида тарихда амалда бўлган динлараро бағрикенглик, мураса маданияти асосида мустақиллик йилларидан бошлаб миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик анъаналари қайта тикланди ва давом этмоқда. Қолаверса, миллий маънавий тараққиётни зиёратгоҳлар билан боғлиқ ҳолда ўрганиш шу нарсани аниқ кўрсатиб турибдики, қадамжойларнинг ҳар бир ташкилий элементи, тарихий даври, турлари, хусусиятлари миллий маданиятимизни шакллантиради. Бу эса ўз навбатида зиёратгоҳлар мавзусини ижтимоий-гуманитар фанлар тизимида алоҳида ўрганилиши лозимлигини тақозо этмоқда. Чунки ўзбек халқининг миллий-маънавий тараққиётини зиёратгоҳлар мисолида таҳлил этиш, ўрганиш халқимиз маънавиятидаги миллий ва диний қадриятлар уйғунлигини ойдинлаштиришга имкон беради. Қолаверса, зиёратгоҳлар кишилар онгида эзгулик манбаи бўлиб, ҳар бир халқ вакилини меҳр-муруватга чорловчи муқаддас жой вазифасини ўташи билан бирга уларда ўзига хос диний бағрикенглик ёрқин намоён бўлади.

<sup>24</sup> Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида (янги таҳрири) // Ўзбекистоннинг янги қонунлари. 19-сон. – Т.: Адолат, 1998. – Б. 224–234.